

# ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat\_sdp@doda.uz ● www.adolat.uz ● № 33 (838) ● 2011 йил, 5 август, жума

## Депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш —

партия фаолиятининг устувор йўналишига айланмоғи лозим

Ижроия қўмита йиғилиши

Илёс САХАТОВ,  
"Adolat" мухбири.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини изчил демократлаштириш, ҳокимият тармоқларга бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, шунингдек, демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштиришда янги босқични белгилаб берди.

Концепцияга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳисоботини эшитганлиги бу борадаги муҳим амалий қадам бўлди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилишида ҳам "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг "Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш борасида Хукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги ҳисоботи ҳақида"ги 2011 йил 15 июль кўшма қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида иштирокини кучайтириш тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қабул қилган қароридан 2011 йилнинг 15 июлида бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлиси мамлакатимиз ва жа-

миятимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга сиёсий воқеа бўлганлиги қайд қилинди. — Конституциямизнинг 78-моддасига киритилган ўзгаришга биноан Олий Мажлис палаталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи эшитилгани 20 йиллик мустақил тараққиётимиз давридаги энг муҳим тарихий, сиёсий воқеалардан бири бўлди, — деди Ўзбекистон Адолат СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси И.Саифназаров. — Бундан кўзда тутилган бош мақсад марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмларини янада ривожлантириш, мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ислохотларни ўтказишда Олий Мажлис ролини оширишдан иборатдир. Эндликда ушбу мақсад амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

Давоми 2-бетда >>

## Парламент назоратини кучайтириш

қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишда таъсирчан чоралардан бири ҳисобланади

Парламентда

Фарҳод ЭСОНОВ,  
"Adolat" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қуйи палата депутатлари учун ташкил этилган "Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги семинар-тренинг парламент сўровини юбориш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида давлат органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш, қонунлар ҳамда Қонунчилик палатаси қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилишини назорат қилишда замонавий усулларни қўллаш юзасидан депутатларнинг кўникмаларини оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Давоми 2-бетда >>



## Ошённи қалбан севмоқ, қалбан англамоқ —

боринги, бағрида бир зарра бўлмоқ — бахт, шараф ва ифтихор!



Ватан мадҳи — ёшлар маънавиятида  
Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр,  
У қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ...

деган эди шоир. Ҳақ гап! Одам учун Ватандан улгурок маскан, гўша йўқ. Шунинг учун ҳам у фақат киндик қони тўкилган юртда ўзини мағрур, хотиржам ва бахтиёр ҳис эта олади. Бу тушунча, тан олинг, юртдошларимиз, хусусан, ёшларимиз тафаккурида, Истиқлол йилларига келибгина ўз шакли-шамойилини топа бошлади, десам муболаға бўлмас.

Давоми 4-бетда >>

## Қайта тикланувчи энергия манбалари



истиқболли лойиҳа бўлганлиги учун соҳага чуқурроқ кириб бориш, очилмаган қирраларни ўрганиш талаб этилади

Давра суҳбати

Сухроб ҚУДРАТОВ.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайловолди дастурида белгиланганидек, партия экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Партия наздида, барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Шу нуқтаи назардан "Адолат" СДП "Экологияни ифлослантирувчи — кўп пул тўлаши лозим" деган принцип тарафдор.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурида белгиланган вазибаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жойларда ташкил этилаётган давра суҳбатлари, семинар-тренинг ва турли кўрик-танловлар шулар жумласидандир.



Давоми 3-бетда >>

## «Меҳржон»да ёшлар билан учрашув

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев ҳам бугунги кунда амалда бўлган қонунларимизда ёшлар сиёсатига оид масалалар устуворлик касб этиши, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг мазмун-моҳияти, болалар келажагига йўналтирилган мақсади ҳақида гапириб, ўқувчи-ёшларни қизгин мулоқотга чорлади. Учрашув давомида болалар ўртага ташланган мавзулар бўйича уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

2-бет

## Нотариал идоралар — мустақил ҳуқуқий институт

Давлатнинг ваколатли органи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал идоралар фаолиятини назорат қилиб боради. Шу боиски, нотариус нотариал ҳаракатлар олиб боришда давлат номидан иш кўради. Фаолияти эса оммавий-ҳуқуқий характерга эга. У муайян бир нотариал ҳаракатни амалга оширишда нотариал ҳаракат иштирокчилари учун бир хил ҳуқуқий шароит яратиб беради ва шахсларнинг ҳуқуқий ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди.

3-бет

## Паҳлавонлар юрти бу диёр

Дунёдаги қирқдан зиёд мамлакатдан уч юз нафарга яқин боксчи иштирок этган мазкур жаҳон чемпионатида спортчилар ўн уч вазн тоифасида рингга чиққилди. Жорий йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланган ушбу анжуманда терма жамоамиз аъзолари ўз маҳоратларини юқори тарзда намойиш этиб, иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медали жағғаришга эришдилар.

4-бет

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада фооллаштириш уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришда муҳим қадам бўлади.

## Ижтимоий шерикчилик

Концепция: устувор вазибалар

Собир ТУРСУНОВ,  
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ва жамият тузилмаларини эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш туйғуларини ривожлантириш янги босқичга кўтарилди. Бу борадаги вазибаларни изчил давом эттириш, пировардида, Президентимиз таъкидлаганидек, "Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазибаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур".

Шу боисдан ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш мамлакатимиздаги асосий вазибалардан бирига айланди ва кейинги

Давоми 3-бетда >>



# Ижтимоий шерикчилик

« Давом. Боши 1-бетда

Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг сони эса 10 мингдан ортади. Утган йилларда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш борасида навбатдаги энг устувор вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожланишига эришиш, амалга оширилган ислохотларимизнинг очқ-ошқоралиги ва самардорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайти-

ришда "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишини, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг очқ-ошқоралиги ва самардорлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришда муҳим қадам бўлади.

Қонун лойиҳасида унинг мақсад ва вазифалари аниқлаштирилиши, асосий тушунчалар очиб берилиши, ижтимоий шерикчиликнинг субъектлари, асосий вазифалари ва тамойиллари белгилаб берилиши лозим, шу билан бирга, ижтимоий шерикчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, ижтимоий шерикчилик даражаларини, унинг молиявий асосларини очиб бериши керак. Лойиҳада асосий эътибор ижтимоий шерикчилик тарғибининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қаратилиши, ННТ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ижтимоий шерикчилик соҳасидаги иштироки аниқлаштирилиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, қонун ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчан механизмларини, ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги шакллари мустақамлаштириш шарт.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ва-

манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг аниқ чегараларини белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш имконини ҳам беради. Шунингдек, Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида такомиллаштириш, маҳаллалар фаолиятини аҳоли манфаатларини кенгроқ ифодалаш, улар фаолиятини ташкилий асосларини янада мустақамлаш, иш қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатини изчиллаштириш мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш киритилиши, фуқаролар ижтимоий фаолиятини кенгайтириш мақсадида мувофиқ эканлиги таъкидланди. Мазкур қонун лойиҳасида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш каби масалалар билан биргаликда унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги айтиб эътибор берилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ННТлар ҳам ўз фаолиятига боғлиқ тарзда турли соҳалар, ҳудудларда юзага келаятган муаммо ва камчиликларни яқиндан ўрганган, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилса ва бартараф этиш бўйича амалий тақдирлар берса, албатта, бу ўз самарасини беради. Зеро, мазкур қонун ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, турли ижтимоий масалалар ечимини нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этишга замин яратишни кўзда тутиши билан қимматлидир. "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини,

манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг аниқ чегараларини белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш имконини ҳам беради.

Шунингдек, Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида такомиллаштириш, маҳаллалар фаолиятини аҳоли манфаатларини кенгроқ ифодалаш, улар фаолиятини ташкилий асосларини янада мустақамлаш, иш қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатини изчиллаштириш мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш киритилиши, фуқаролар ижтимоий фаолиятини кенгайтириш мақсадида мувофиқ эканлиги таъкидланди. Мазкур қонун лойиҳасида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш каби масалалар билан биргаликда унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги айтиб эътибор берилди.

Шу билан бирга, "Фуқаролар йиғини раис(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови



тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳам тақдир қилинди. Унда йиғин раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда уларга юксак талаблар — "оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаолиятини кучайтиришда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш каби масалалар билан биргаликда унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги айтиб эътибор берилди.

Албатта, маҳаллани фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантириш, шу асосда аҳолида ўзини ўзи бошқариш малакасини кучайтириш, ҳар бир фуқарода воқеликка дахлдорлик, огоҳлик ва масъуллик ҳиссини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишини таъминлаш учун мустақам ҳуқуқий асослар бўлиши зарур. Шу маънода, мазкур

қонунлар кучли фуқаролик жамияти кафолатларидан бири бўлади.

Бироқ фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб борган сари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши фуқаролик жамияти барпо этишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, Президентимиз Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул

қилиш тақлифини илгари сурди.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати, аввало, жамоат ташкилотлари — сиёсий партиялар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, касба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, ҳокимият органларининг жамоатчилик назоратини орқали халқ билан мулоқоти демократияни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўйлаймизки, юқоридаги қонун лойиҳалари нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятда тутган ўрнини мустақамлаштириш, уларнинг тўлақонли фаолият юритишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш билан бирга, мамлакат тараққиёти, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалишига хизмат қилади.

# Қайта тикланувчи энергия манбалари

истиқболли лойиҳа бўлганлиги учун соҳага чуқурроқ кириб бориш, очилмаган қирраларни ўрганиш талаб этилади



« Давом. Боши 1-бетда

Ана шундай ҳамкорликдаги тадбирлардан бирини Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил қилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатида бўлиб ўтган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш: халқаро тажрибалар ва энг яхши амалиёт масалалари" мавзусидаги давра суҳбатидеда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзэлтехснаб" уюшмаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги раҳбар-ҳодимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ХХ асрнинг охирига келиб, дунё иқтисодий тараққиётининг ядид ривожланиши оқибатида энергиядан фойдаланиш юқори даражада ошди. Бу эса ёқилгининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станцияларидан, ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳит-

га салбий таъсир етказмоқда. Маълумотларга кўра, йилга табиий ёқилги ишлатиш миқдори дунё бўйича 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келади, бу эса ҳар бир кишига тахминан 2 тонна демакдир.

Давра суҳбатидеда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлиги гуруҳи раҳбари Б.Алихонов "Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти ва истиқболлари" мавзусида маъруза қилди:

— Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти жудда катта. У 51 миллиард тонна нефтьга тенг. Мавжуд технологиялар бундан 179 миллион тонна нефть эквивалентига фойдаланиш имконини беради. Бу эса республика бўйича қазиб олинган ёқилғилардан уч баробар кўп демакдир. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг ва бунга амалга оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги бу соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Эътибор этилдики, кейин-

ги йиллардаги углеводород ёқилғиси нархининг кескин ошиб кетиши кўпгина мамлакатларни янги муқобил энергия манбалари ҳақида ўйлашга мажбур этди. Бунинг натижасида Европа давлатларида ўрнатилган қўш фотозлектриқ станцияларнинг қуввати бир неча баробарга ошди. Айниқса, Яқин Шарқ мамлакатларида фотозлектр станцияларини ишлаб чиқиш икки баробарга кўпайди. Бунга бир мисол: Исроилда мамлакат умумий иссиқ сув таъминотининг 75 фоизини ташкил этадиган 1 миллионга яқин қўш қурilmалари ишга туширилди. Шамол энергетикаси ҳам тез суръатларда ривожланимоқда. Биргина Европа давлатларини олади ҳам бўлса, йиллик ўсиш 40-45 фоизни ташкил этмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг бошланғич қурилишида кўпроқ маблағ сарфланса-да, кейинчалик у иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Шунинг учун ҳам бир қатор давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш режаси эълон қилинди. Хусусан, Германия 2050 йилгача мам-

лакат энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасини 50 фоизга етказишни режалаштирмоқда.

Давра суҳбатидеда қайд этилганидек, қайта тикланувчи электр манбалари ҳисобланмиш қўш, шамол, биомасса, водород, кичик сув оқимларидан ҳозирда фойдаланиш кенгаймоқда. Ўзбекистон учун булардан энг аҳамиятлиси қўш энергияси ҳисобланади. Яқин вақтга биогазга мамлакатимиз учун йироқ нарсасек қаралар эди, лекин унга оид катта лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бунга аниқ мисол бор, албатта. Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз фаолиятида инновацион технологияларни мамлакатимизда кенг жорий этишни рағбатлантириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу ўз самарасини беради. Масалан, партия фаолларининг ташаббуси билан Ўртағирчиқ туманидаги "Кучлик" маҳалласида биогаз қурилмаси ишга туширилди. Бугунги кунга келиб, аҳоли бунинг қўлайликларини билди ва ўзлаштириш имкониятларини излашмоқда. Демак, юртимизда ушбу соҳага чуқурроқ кириб бориш, очилмаган қирраларни ўрганиш талаб этилади.



Давра суҳбатидеда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев мазкур масаланинг ҳуқуқий жиҳати юзасидан сўзга чиқди.

— Ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан асослаш соҳани янада ривожлантиришга қўмаклашадди, — деди маърузачи. — Сўнги 3 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларига оид халқаро қонунчилик анча шаклланди, деб айтиш мумкин. Бир қанча давлатларда янги қонунлар қабул қилинди, мавжуд қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. МДХ давлатлари, жумладан, мамлакатимизнинг ҳам бунда ўз ўрни бор. Бунга бир мисол, "Электрдан оқилна фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида қайта тикланувчи энергия манбалари тилга олинган. Яна бир эътиборга молик жиҳат, соҳага доир қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан тегишли идора ва вазирликлар билан ҳамкорликда таёрланди. Айни вақтда у Қонунчилик палатаси муҳомадасига киритилиши арафасида турибди. Зеро, ушбу соҳага оид яна бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тадбирда янги ташкилот — Муқобил ёқилги энергия манбалари ва чиқиндисиз технологиялар корхоналари ассоциациясининг тақдироти ўтказилди.

Давра суҳбати иштирокчилари республикамизда ёқилги-энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбаларини жалб қилиш бўйича соҳани ривожлантиришнинг Миллий стратегиясини ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, олий ва ўрта-маҳсус билим юртларида зарур мутахассисларни тайёрлаш лозимлигини қайд этган ҳолда ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Соҳа мутахассиси бўлганим учунми, кўпинча фуқароларнинг шундай саволларига тез-тез дуч келаман. Уларнинг ҳаммасига алоҳида-алоҳида жавоб бергандан кўра, яхшиси, нотариал идоралар ва нотариуслар иш қўламининг механизми тўғрисида қисқача мақола ёзиб, газетхонларни назарда тутишларини бир оз бўлса-да, етказиб қўйиш фойдасидан холи бўлмас керак, деб ўйлайдим.

## Нотариал идоралар — мустақил ҳуқуқий институт

ёхуд уларнинг фаолият доираси қандай? Ҳолисиги нимада?

Ҳуқуқий саводхонлик

Алма ТОҶИБОЕВА,  
Тошкент вилояти,  
Янгийўл туман  
1-сон давлат нотариал идораси  
нотариуси.

Истиқлол йиллари қабул қилинган Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги тўла эътироф этилган. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя этилишини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш давлатимизнинг устувор вазифаси эканлиги Бош қомусимизнинг ҳар бир моддасида акс этган. Бу вазифаларни давлат ўзининг тегишли органлари ёки ўз ваколатларини бериш орқали нодавлат тузилмалари воситасида амалга ошириб келади.

Алоҳида ҳуқуқий ёрдам турли хил юридик касб эгалари, жумладан, нотариуслар томонидан кўрсатилади. Улар ўз фаолиятида мустақил бўлиб, вазифаларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида иш юритишади. Давлатнинг ваколатли органи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал идоралар фаолиятини назорат қилиб боради. Шу боиски, нотариус нотариал ҳаракатлар олиб боришда давлат номидан иш кўради. Фаолияти эса оммавий-ҳуқуқий характерга эга. У муайян бир нотариал ҳаракатни амалга оширишда нотариал ҳаракат иштирокчилари учун бир хил ҳуқуқий шарт яратиш беради ва шахсларнинг ҳуқуқий ҳамда қону-

ний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси-нинг «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида «Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевоқифа боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга давлат этилган ҳуқуқий институтдир», деб ёрқин ифода этилган.

Қонуннинг 18-моддасида нотариус мажбуриятлари келтирилган бўлиб, унга кўра нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида нотариус фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар қўрилиши учун тегишли муассаса, корхона, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши шартлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нотариуснинг амалга оширган нотариал ҳаракати учун давлат томонидан қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади. Бу — инсон ҳуқуқларини рўйбога чиқишида ва нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида ўта ҳолис бўлишини таъминлайди. Айни шу жараёнлар мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган шонли 20 йил давомида нотариал идоралар ҳолислигини белгиловчи мустақил ҳуқуқий институт бўлиб етишганидан далолат.



# Иқтисодиётимиз истиқболнинг «қон томири» равнақи

Темирйўлчилар кўни олдидан

Тошпўлат МАТИБАЕВ, фахрий темирйўлчи.

Мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 20 йиллигини муносиб кутиб олиш тарадудиди — барча соҳада бўлгани каби Ўзбекистон темирйўлчилари қалбига ҳам чўғ ташлади. Бу чўғнинг шувўланиши истиқлолга эришилган йилларнинг дастлабки кунларидан бошланди ва у бора-бора аланга олди, деб таърифлашга молик.

Негаки, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири ва тўқсонинчи йиллари бошида собиқ иттифоқ парчаланган, мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида каби темир йўл тизимида ҳам кўлдан-кўп муаммолар тўпланди. Жумладан, йўловчилар ташишида шахарлараро ва республикалараро йўналишларда поездларнинг қатнов жадвали тез-тез издан чиқиб кетар, юк ташиши ҳамда вагонлардан фойдаланишда ҳўжазасизлик ҳўллари сурункали юз берар, давлат ва мижозлар мулкига кўз олайтириш фактлари такрор-такрор содир бўлиб турарди... Чўнки, узок йиллар давомида соҳага дуруст эътибор берилмади, зарур ислохотлар ўтказилмади, тинкаси қўриган локоматив ва вагонлар янги-янгида, таъмирлаш ишлари но-чор аҳволга ташлаб қўйилди. Маҳаллий раҳбар кадрлар тайёрлаш масаласи билан ҳеч ким шўғулланмади. Боз устига, ўша кўнлардаги алғов-далғов вазият баҳона русий забон муҳандис-техник ходимларнинг кўпчилиги кетиб қўлишди. Таъмирлаш базаси марказда бўлгани учун эҳтиёт қисмлар Ўзбекистондан ташқарида ишлаб чиқарила ва улар Ўзбекистон манфаатига зид бўлган «бартер» усулида олиб келинарди. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, мамлакатимиз иқтисодиётига жуда катта молиявий зарар эди.

Тизимдаги бундай аҳволни зудлик билан кўриб чиқиб зарур эди. 1991 йил 25 февраль кўни давлатимиз раҳбари Ислам Каримов соҳа раҳбарлари, мутасаддилари ва муҳандислари билан мулоқот ўтказиб, вазиятни чўқур таҳлил қилди. Аҳволни ўнглаш чоралари юзасидан маслаҳатлашди, кенг ислохий вазифалар белгиланди. Энг чигал муаммолардан бири — транспорт коммуникациялари кўшни республикалар худудидан ўтиши билан боғлиқ муаммо эди. Жанубда ҳам Шимолда ҳам — ҳар икки йўналишда юк поездларининг асосиз ушлаб турилиши сабабли темир йўлимиз раҳбарлари, мутасаддилари чегара бекатларига бориб, оилаб сарсон-саргардон бўлишарди. Айрим йўналишларда содда қилиб айтганда, ўз уйимизга кўшилар ҳўлиси орқали ўтардик...

Президентимиз бу муаммоларни зудлик билан бартараф этиш учун шошилиш тарзда мамлакат темир йўл транспорт тизимининг моддий-техник базасини, таъмирлаш салоҳиятини, локоматив ва вагон саройларини мустаҳкамлашда, ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш борасидаги ҳўкукий-ташқилий чоралар белгилашда бош-қош бўлди. Айниқса, халқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун кулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилди бошланди. Кўшни давлатлар ва жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган ишончли темир йўл эълари ётқизиш режалари белгиланди. Айни кезде Ўзбекистоннинг ўз манбаалари ҳисобидан иккита йирик ва стратегик муҳим



самарали йўлларни очиш ҳамда ўзлаштиришни тақозо этмоқда. — Учқудуқ — Султон Увайистог — Нукус ҳамда узунлиги 223 километр — Фўзор — Бойсўн — Кўм-кўрғон магистрალი курилишини жадал ривожлантириш, юк ташиши ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни тўбдан яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилётгани иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга имкон бермоқда. Таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётимизнинг қон томири — темир йўл ривожини ўзининг равнақи йўлига кирди. Бугун бу тизимда меҳнат қилаётган темирйўлчиларимиз эса ўзларининг аънавий касб байрамларини муносиб кутиб олмақдалар.

ADOLAT androgazeta information including contact details, subscription rates, and publication info.

диган «AFROSIOB» электропоезди қатновини ҳаракатга келтириш ҳозирлиги кўрилмоқда. Тошкент билан қадимий Самарқандни боғлайдиган бу поезд жаҳон андазаларига тўла жаоб беради ва у мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган кўнлардан бошлаб йўловчилар хизматида бўлади. Биргина шу йилнинг ўтган ойлари давомида Буюк ипак йўли сайёҳлик дастурини ривожлантириш мақсадида 71/72 Бўхоро — Урганч — Бўхоро тезкор йўловчи поезди қатнай бошлади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилиш бўйича 2013 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган комплекс дастур қабул қилинган. Жумладан, поездлар паркинни янгилаш, йўлларни қайта тиклаш, иқтисослаштирилган санаот корхоналарини реконструкция ва модернизация қилиш каби чора-тадбирлар ижроси дастурдан алоҳида ўрин олган. Зеро, ҳозирги кунда дунёда, хусусан, минтақамизда рўй бераётган чўқур ва изчил сиёсий-иқтисодий жараёнлар амалдаги транспорт йўлларидан оқилона фойдаланиш билан бирга мавжуд йирик халқаро бозорлар ва фаол шаклланиб бораётган истиқболли бонинг ўз манбаалари ҳисобидан зорларни боғлайдиган янги,

# Ошённи қалбан севмоқ, қалбан англамоқ —

боринги, бағрида бир зарра бўлмоқ — бахт, шараф ва ифтихор!

« Давом. Боши 1-бетда

...Бир тасаввур қилинг: чўлда ўрмалаб юрган жониворлар, кўрт-қўмурқалар ҳам тўғилиши биланок ўз маконларини биладилар. Ҳавода учаётган қўшлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар. Ҳатто болари, капалак, наначи ва уларга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза этишади — шўнинг каби одам ҳам қаерда тўғилиб, парварииш толган бўлса, ўша жойга, ўша масканга меҳр қўяди. Бу жой, бу маскан — унинг **Ва-та-ни!**

Ватан нима? Бу — ўзининг тарихий тадрижини мазкур худудда камолга етказган бус-бутун халқ ошён. Бу — ўша халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Бу — унинг бой маданияти, тили, феъл-атвори. Бу — у томондан амалга оширилган мақсадлар, интилишлар ва ўз тарихидаги муҳим босқичлар...

XX асрнинг охири XXI асрнинг бошига тўғри келган сўнгги 20 йил — **Ватани Ўзбекистон** бўлган бутун ўзбек халқи учун ҳам шундай мақсад, шундай ўзгариш ва шундай тарихий муҳим босқичдир. Бу — эркинлик, ҳўрлик, озодлик, мустақиллик босқичи!

Не бахтки, шу 20 йилда ўзлимизни таниб, ҳаётимизни яна, яна ва яна ҳам яхшилаб боришдек, саодатли улш масъулияти — Сизу бизнинг зиммамизга тушди. Зеро, ўз мамлакатимиздан ҳам бошқа турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин биз тўғилган Ватан битта: бу — **мустақил Ўзбекистон!** Уни қалбан севмоқ, қалбан англамоқ ва борин-ки, бағрида бир зарра бўлмоқнинг ўзи бахт, ифтихор, шараф!

Ушбу сатрларни битаътиб, сўнгги кўнларда, бир гуруҳ ёшлар билан ўзаро гурунда

улардан эшитган ва эсимда қолган мана бу маънан гўзал, маънан дилбар сўзларни бе-ихтиёр ёдга олдим:

**Ситора ВАЛИҚУЛОВА, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг журналистика факультети абитуриенти, Сурхондарёдан:**

— Мен — мустақиллик тенгдошларидан бириман. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз мустақиллигининг ҳам айни ёшлик чоғи ҳозир. Наздимда, мустақиллик ва менинг тақдирим худди бир данак ичда кўш мағиздек баайни тотли таъмга тўлган давр.

Бу давр ичда Ватанимиз ўз мустақиллигини йил сайин мустаҳкамлаб, жаҳон ҳам-жамиятида ўз ўрнини толди, ўз нуфузини орттирди, дунёга танилди. Унинг ҳўрлигини, озодлигини афғор омма тан олди. Шундай юрда яшамок, уни суймоқ ва истиқлоли йўлида ўшмоқ ва ишламоқнинг ўзи катта бахт...

**Фазилатхон АБДУЛЛАЕВА, Тошкент фармацевтика институтининг II-курс талабаси:**

— Ватан тушунчасини чўқур билмоқ, англамоқ яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам катта-кичик — ҳаммамизга бирдек хос бурч. Бу тушунчани юракдан ҳис этган одамларгина ўзларини «Мен шу Ватан фўқаросиман» дейишга ҳақли! Чўнки, ундан ўзга азиз ошён йўқ. У — каъба каби муқаддас сажадгоҳ... Менимча, Ўзбекистоннинг ҳозирги барча ёшларидан шундай нодир маънавий тушунча шаклланиб улгурди. Йирма йиллик эркимиз, эркинлигимиз боқий бўлишини Аллоҳдан доимо тилаб юрди улар...

Ватан, бу — биз учун таянч ва сўянч кўрғони. Шу кўрғонда тўғилган, униб ўсган, ўйнаб-қулган қайси инсон, қайси ёш, қайси бир

фўқаро уни «жоним Ватан» дея жон ила суймайди дейсиз... Хуллас, Ватан тушунчасининг салмоғи ва залворини мен маънавиятимизни белгиловчи мезон деб биламан. Маънавиятимиз мезони эса Ватан тўғусини нечоғли ҳис қилмоқ ва идрок этмоққа боғлиқ...

**Зилола Абдуғофурова, Тошкент давлат Шарқшунослик институтини узок Шарқ ва жанубий Осиё тиллари факультетининг IV-курс талабаси:**

— Бизга ота-оналаримиз, фарзандларимиз, яқин хеш-ақробаларимиз — ҳаммаси қадрли. Қадр борасидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» отли ширин сўзда муҳжасаму мустажоб. Айтинг, ундан — Ватандан ажралиб бўладими? Навоий бобомиз айтганлар:

Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама...

...Ёш гурундошларимизнинг Ватан тўғуси борасидаги тиниқ маънавий тушунчаси менга ажиб бир завқ, ажаб бир кувонч берди. Айниқса, Фазилатхон Қозимизнинг «Ватан, бу — биз учун таянч ва сўянч кўрғон, шу кўрғонда тўғилган, униб-ўсган, ўйнаб-қулган қайси инсон, қайси ёш, қайси бир фўқаро уни «жоним Ватан» дея жон ила суймайди...» деган таъкид дилимга фараҳли бир илҳом солди. Ўша кезде Ўзбекистон халқ шoirи Сирожиддин Саййиднинг шoir Сирожиддин Сидқий Хондайликкий газалига ёзган «Жоним Ватан» номли муҳаммасидан сатрлар ёдимга тушди:

Ватан — менинг ярқираган кўрғон ерим,  
Ою офтоб мангу кўрғон кўрган ерим,  
Эсдан чиқар бошқа ҳамма кўрган ерим,  
Ватан — менинг тўққан ерим, тургон ерим,  
Униб-ўсиб, ўйнаб-қулиб юрган ерим!

# Ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод

Севара ДўЛТАЕВА.

Ўзбекистонда келажак эгалари бўлмиш ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошириляётган ишлар жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Анджон вилояти, Балиқчи тумани халқ таълими МФМТТЭ бўлимига қарашли мактабга таълим муассасалари (МТМ) да 2010-2011 ўқув йилида амалга оширилган ишлар ақуларига ҳамда янги ўқув йилидаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган кенгаш ва унинг доирасида ўтказилган байрамона тадбирлар фикримизга мисол бўла олади. Тумандаги энг намунали деб эътироф этилган 23-МТМда бўлиб ўтган кенгаши туман халқ таълими МФМТТЭ бўлими мудири К.Тошпўлатова бошқарди.

Кенгаш олдидан туманда фаолият кўрсатяётган 28 та МТМларнинг ўқув йили давомида олиб бориладиган ишлари иши гуруҳ томонидан таҳлил этилди. 11 йўналиш бўйича олиб борилган мониторинг натижаларга кўра, 23-МТМда белгиланган вазифа ва қўйилган талаблар 98 фоизга бажарилган. Шу ўринда айтиш керакки, ушбу кенгаш барча МТМлар мутахассисларининг меҳнат ва маҳорат намойишига ҳайланиб кетди. Шу кўни тумандаги 28 та муассасаларнинг фаолиятини кўрсатиб берувчи мониторинг таҳлиллари ва ҳужжатлари, таълим-тарбия сифати ва самардорлигини ошириш бўйича олиб бориляётган ибратли ишлар намойиш этилди.

— Кейинги йилларда мактабга таълим тизими мазмун ва сифат жиҳатидан тақомиллашди. Бўни туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди туман халқ таълими бўлими мутахассиси М.Толипова. — Бу борада ақсарият МТМларда, айниқса, 23-бўғчада ишлар намунали йўлга қўйилган. Уларда болаларни жисмоний ва ақлий ривожлантириш, машғулотларни янги педагогик технологиялар ва ноънавий усуллар асосида мунтазам ўтказишга эришилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камол топтириш йўлидаги меҳнатлар ўз самарасини бермоқда.



# Паҳлавонлар юрти бу диёр

ёхуд боксчиларимизнинг навбатдаги ғалабалари

Спорт

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, «Adolat» муҳбири.

Жорий йилнинг 20-31 июль кўнлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати беллашувларида ҳам юртимиз спортчилари юртбошимиз, халқимиз ишончини оқлаб, Ўзбекистоннинг нечоғли кудратли мамлакат эканлигини яна бир қарра исботлашди.

Дунёдаги қирқдан зиёд мамлакатдан уч юз нафарга яқин боксчи иштирок этган мазкур жаҳон чемпионатида спортчилар ўн уч вазн тоифасида рингга чиқди. Жорий йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланган ушбу анжуманда терма жамоамиз аъзолари ўз маҳоратларини юқори тарзда намойиш этиб, иккита олтин, битта кўмуш ва иккита бронза медали жамғаришга эришдилар. Яъни умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик ўсмирлар терма жамоамиз иккинчи ўрини забт этишди. Иштирокчиларимиздан Ойбек Шарипов ва Алиёр Норулиевлар энг олий сўвин — олтин медалга сазовор бўлишиб, уларнинг ғалабалари эвазига юртимиз байроғи икки мартаба баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Хусусан, Ойбек Шарипов вазни 80 килограммдан ортиқ боксчилар ўртасидаги беллашувларда рақибларини доғда қолдириб, мутахассислар томонидан «кўчи ва аниқ зарба бериш қобилият еғаси» дея тан олинди. 57 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Алиёр Норулиев эса бир эмас, кетма-кет беш учрашуни ўз фойдасига ҳал қилди. 60 килограмм вазн тоифасида кўч синашган ҳамюртимиз Исроил Мадримов

ҳам мусобақанинг ҳар бир ринг-ида ўзига хос тактик усулларидан фойдаланиб, кўмуш медал совриндорлигига муваффақ бўлди. Бундан ташқари, терма жамоамиз аъзоларидан Улўбек Абдуқаюмов ва Акбаржон Мелизияев ҳам ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирландилар.

— Ўзбекистон азал-азалдан полвонлар, паҳлавонлар юрти бўлиб келганлиги учун бугунги фарзандлари ҳам спортга қанқок, билаги кўч-қувватга, қалби ор-номусга тўла, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси катта мураббийи Ҳамид Тангриберганов. — Қолаверса, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамоллигида болалар спорти ва унинг келажакига бериляётган юксак эътибор, саяё-ҳаракатлар бугун ўз меваларини бермоқда. Ушбу кўвончли ғалаба ҳам ана шундай ғамхўрликларнинг маҳсулидир. Уйлаймизки, шоғирдларимиз бундан кейинги чемпионатларда ҳам янада юқори шохсупаларни забт этишади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, 2001-2011 йиллар давомида Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси — AIBA томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида рақибларини мажза саҳнида олтин, ўнта кўмуш ва ўн беш бронза, жами 33 медал жамғаришиб, терма жамоамиз дунёдаги энг кўчли тўрт терма жамоадан бирига айланди. Бу юртимизда навқирон авлод тарбияланяётганидан, диёримиз чинакам паҳлавонлар юрти эканлигини ёрқин далолат!